



Тошкент

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар иқтисодий
газетаси

№ 117 (9.155)

1998 йил

5 октябрь, душанба

Сотувда эркин нархда



МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов АҚШ Қуролли Кучлари марказий қўмондонлиги Бош қўмондони Энтони Зинни раҳбарлигида делегация аъзоларини қабул қилди.**
- **Республика матбуотида «Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодекси» лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди.**
- **Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг йиғилишида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андихон вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала кўрилди.**
- **Олий Мажлис Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат қўмитасининг йиғилишида «Ветеринария тўғрисида»ги Қонуннинг Навоий вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама этилди.**
- **Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё: глобаллаштириш давридаги иқтисодий тараққиёт» мавзюдаги халқроқ конференция ва семинарда глобаллашув ва дунё иқтисодиётига интеграциялашув шароитида Марказий, Осиё давлатларида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича маърузалар тингланди, мунозаралар бўлиб ўтди.**
- **Ўзбекистон Дўстлар клубида бўлиб ўтган навбатдаги учрашув мамлакатимизнинг соғлиқни сақлаш муаммолари билан шуғулланувчи ноҳукумат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш йўлларини қидиришга бағишланди.**
- **Бозор ислохотлари илмий-тадқиқот институтида «Қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш» мавзюда илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда республикаимизнинг етакчи олимлари ва мутахассислари иштирок этишти.**
- **Мамлакатимизда пахта йиғим-терими қизғин олиб бориюмоқда. Барча вилоятларда пахтани машинада теришга киришилди. Ҳар куни тайёрлов пунктларида 80-85 минг тонна «оқ олтин» топирилмоқда. Мавсум бошидан бери уйилган дурдонамиз 1 миллион 800 минг тоннадан ошиб кетди.**
- **Киевнинг Борисполь аэропортидан ташриф буюрган учувчилар «Ўзбекистон-Украина» дўстлик жамятида меҳмон бўлдилар.**
- **Ўртачирчиқ туманида сутни қайта ишлаб чиқарадиган ўзбек-исроил «Валко-ЛТД» кўшама корхонаси очилди.**

ЖАҲОНДА

- **Шанба куни Чимкентда Ўзбекистон маданият кунлари бўлиб ўтди. Унда Тошкент вилояти ижодий ходимларидан бир гуруҳи иштирок этди.**
- **Туркияда Ўзбекистонда 170 йиллик таваллуд санасини кенг нишонлашга хизирлик қўрилайётган Бердақ асарлари тўплами нашрдан чиқарилади.**
- **Президент Аслам Масҳодов Чеченистон Республикаси ҳукуматыни истеъфога чиқариб юборди. Чеченистон Президентининг матбуот хизмати хабарига айтилишича, Вазирлар Маҳкамасининг эски аъзоларидан 90 фоизи янгиланади.**
- **Жаҳон банки Қирғизистон қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги бир неча лойиҳани молиялаштиришга қарор қилди. Жаҳон банкнинг бу қарори Қирғизистон иқтисодийнинг ўнқилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.**
- **«Толибон» ҳаракатининг қуролли гуруҳлари Бомбиён вилоятининг «Шимолий иттифоқ» қўл остидаги сўнги туманини босиб олди. Айна пайтда вилоят бутунлай толиблар назоратида турибди.**
- **Россия Федерацияси Давлат Думаси Югославияга нисбатан қўрилган Россия билан НАТО ўртасидаги битимларнинг бутун мажмуини қайтадан қўриб чиқишга олиб келиши хусусида огоҳландирди.**
- **Бокуда муҳолифатнинг ҳукуматыни истеъфога чиқариш талаби остидаги митинг ўтказилди.**
- **Шанба куни Чеченистон билан Ингушетия чегарасида Россия ҳукуматынинг Чеченистондаги ваколатли вакили ўринбосари Акмал Саидовнинг жа-сади топилди. Маълумки, у 29 август куни ўғирлаб кетилган эди. Шунга ҳам айтиш керакки, кеча Чеченистонда Буюк Британиянинг тўрт нафар фуқароси ўғирлаб кетилди. Улар шартнома бўйича уяли алоқа тизимини йўлга қўйишлари керак эди. Ўғирланганлар икки кундан кейин республикани тарқ этишлари лозим эди. Буюк Британия ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили кеча ана шу мамлакатнинг фуқароларига бундан бўён Чеченистоннинг чегараларига 2002 йилнинг апрелига қадар яқинлашмаслик тавсия этилганлигини хабар қилди.**
- **Хитой Халқ Республикаси деб эълон қилинган кунга 49 йил тўлди.**
- **Корея Республикаси ташқи атилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ушбу мамлакатда халқроқ бадий кўргазма бўлиб ўтди. Унда Япония, Хитой сингари мамлакатнинг мўйқалам усталарининг асарлари қатори Ўзбекистоннинг мусавварлари яратган асарлар ҳам қатнашди. Айнақса Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, Ўзбекистон халқ расоми Баҳодир Жалоловнинг «Комил Ёрматов портрети» ва истеъдодли расоом Шоира Қўзиёвнинг «Ўзбекистон натуротморти» асарлари кўнчилиқда катта қизиқиш уяғотди. Ўзбек расоомларининг ана шу икки асари кўргазманинг дипломи билан тақдирланди.**
- **Туркиянинг Силиври шаҳрида 20 дан ортиқ Осиё ва Европа мамлакатлари ёзувчилар ва журналистлар ташкилотлари раҳбарларининг халқроқ уюлтойи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ёзувчилар уюлмасининг раиси, Ўзбекистон Қўдрамони Абдулла Орипов сўзга чиқди.**
- **Кеча Алматы шаҳрида МДХ ва Болтиқ давлатларининг «Евроосиё-98» деб аталувичи биринчи халқроқ кинофестивали очилди.**

Саноат

ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ

Замонавий технологияга эга бўлмағи тур-риб, жаҳон бозоридан ўз ўрнини топиш, ра-қобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариши-ни йўлга қўйиш мушкул эканлигини бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўз истикбол йўлини белгилаётган ҳар бир корхона ра-ҳбарлари аник билиб олди. Бу борада пойтах-тимиздаги «Сергели-мебель бирлашмаси» хиссасдорлик жамятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Хиссасдорлик жамя-тида ойнага 30 миллион сўмликдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чи-қарилмоқда. Улар ораси-да айниқса, 4 хил тур-даги «Омад», «Умид-1», «Умид-2» мебель терма-лари, «Роҳат», «Мария» сингари юмшоқ мебел-лар, ётоқхона мебелла-ри ҳамда аҳоли бюрт-маси асосида тайёрла-наётган каравотлар ўзи-нинг харидорлигини би-лан ажралиб турибди. Шунга алоҳида таъкид-лаш лозимки, бу мебел-соллар яратган ётоқхона термалари республика мебелсоллари кўри-кландида фахри би-ринчи ўринга сазовор бўлди.

Шунингдек, корхонада чет элик ҳамкорлар билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айни-қса, Германия, Италия, Россия ҳамда Болтиқ-буий давлатлари ишби-рамчилари билан ҳам-корлик ўз самарасини бермоқда. Корхонада яқин кунларда Россия билан ҳамкорликда «Ўқувжиз» кўшама кор-хонасини очиб мўлжал-ланмоқда. Бу кўшама кор-хонада республикамиз учун керакли маҳсулот — мактаб, лицей, ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари учун замонавий турдаги доска, парта, шкаф, компьютер ўрна-

Шарофат БАХРОМОВА.

Тадбирлар

ТАЛАБАЛИК МУБОРАК!

Ҳамза театрида Тошкент Давлат шарқ-шунослик институти ёш талабаларининг «Та-лабаликка бағишлов» кечаси бўлиб ўтди. Давлатимиз мадҳияси кечамизга янада фойз бағишлади.

Кечани Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори, профессор Неъматилла Иброҳимов очиб, талабаларга ўз табригини изҳор этиб институт та-рихи ҳақида сўзлаб, кечага ташриф буюрган фахрий устозлар ва институт раҳбарияти билан ёш талаба-ларни таништириб ўтди. Энг юқори балл тўплаб би-ринчилар қаторида талабаликка қабул қилинган та-лабаларга талабалик гувоҳномалари ва синов даф-тарчаси топширилди.

1997—1998 ўқув йилини яхши баҳолар билан якун-ланган талабалар пул мукофоти билан тақдирландил-лар. Юқори курс талабалари ёш талабаларни турли шарқ ва фарб тилларида табрикландилар ва уларга институт рамзи бўлган олтин калитни топширдил-лар.

Кечада Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов 1-курс талабаларини қизгин куллади, ўқишларида му-ваффақият ва омад тилади.

Институт қошида очилган «Шарқ гўзаллари» рақс дастаси ўзининг гўзал рақслари ва дилрабо кўшиқ-лари билан кечамизга янада фойз бағишлади.

Мастура НУРМАТОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг
1-курс талабаси.



Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг бел-ги-ланган муддатларини ўтаб бў-лган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар саф-ларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга наватбад-ги чакирлик тўғрисида»ги қаро-рига мувофиқ жойларда ўғлон-ларимизни Қуролли Кучларимиз сафларига жўнатишга тайёргар-лик ишлари бошланиб кетди. Биз Тошкент шаҳар мудофиа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Фарход Рустамов би-лан кузги чакирлик тайёргар-лик ва бу борада қилинган иш-лар юзасидан сўхбатлашдик.

— Менин назаримда авваламбор биз фарзандларимизга Ватан деган сўзнинг нақадар муқаддас эканлиги-ни, уларнинг миллий тафаккурини, ду-некарашини шакллантиришимиз, ке-рак бўлса, савдоқат, оқибат, гурур туйғулари болалигидан, боғчаданок тушунириб боришимиз зарур. Инчу-нин ҳозирда айрим ота-оналарнинг-да бу борада тушуналари, онг шури андак заифроқдек туюлади. Гоҳида эса бир тоифа ота-оналар бугунги қо-нунлардан мутлақо хабарсиз. Маса-лан, оддийгина «Муқобил хизмат тў-ғрисида»ги чиқарилган қонунни ҳам би-лишмайди. Шу сабабдан ҳам бу йил-ги кузги чакирлик олдиндан қилиниши

зарур бўлган ишларимизни бундан бир неча ой олдин бошлаганимиз. Хусусан, бу борада барча туманларда, маҳал-ларда, корхона ва ташкилотларда уч-рашулар, йиғилишлар, турли тадбир-лар ўтказдик. Ушбу учрашув ва тад-бирларда ота-оналар ўзларини қизи-қтирган саволларга жавоблар олдилар ва айрим муаммолар атрофлича хал

Кузги чакирлик
МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

этилди. Айна дамларда Республикаимизнинг чегара худудларида нотинчлик ҳўкм су-рар экан, биз бунга доим тайёр тури-шимиз лозим. Зеро, буюк келажақ пойдеворини қураётган Ўзбекистон ду-не халқлари олдида катта обрў-эъти-бор ривожланади. Бу биргина иқтисо-дий кезонлик эмас, балки халқ-ларнинг тинчлик, дўстлик, биродар-лик йўлидан боришида ҳам ўзига ҳос ўрин эгаллайди. Халқимизнинг тинч, фаровон ҳаёт кеңириши учун барча шар-оит яратилган. Уларнинг ҳавфсизли-гини таъминлаш, ижтимоий ва ҳўкуқий муҳофаза қилиш Республикаимиз Пре-

Одил ХАСАНОВ.

Шаҳар — қишлоққа

ЎЗБЕК ЗАМИНИ САХОВАТИ

КЕЧА
пойтахтимиздаги яқинда ажиб таъмирдан чиқари-лган Бобур боғи хақи-кий байрамона руҳда бўлди. Боққа ташдиб буюрган ҳамшаҳарларимиз нафақат миркиқ хорлик чиқардилар, балки республикамиз мева-сабзавот соҳасининг са-лоҳияти билан ошно бў-



либ бу ердаги маҳсулот-лардан ҳарид қилдилар.

Боғда «Умева сабзавот-зуманаот-хондиг» компа-нияси, «Мева сабзавот-нинг худудий бирлашмалари ва республика деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси «Ўз-бекистон ноз-неъматлари» савдо-сотик ярмаркасини ташкил этидилар.

Биз бу ерга ўз маҳсулот-ларини кўз-кўз қилгани кел-ган Иштихон туманидаги «Пулатамин» ҳўжалиги фер-мери Илхом Валиев, Самар-қанд вилояти деҳқон-фер-мер ҳўжалиги уюшмаси мар-кетинг бўлимининг бошлиғи Акмал Худоберовлар билан сўхбатлашдик. Улар бу йил мева ва сабзавотдан мўл ҳосил этиштирганлиқари-ни, бундай кўргазмалар ҳар жиҳатдан аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар.

— Савдо-сотик ярмарка-си боғ яқинидаги Яқкасарой, Мировод туманлари маҳал-ла аҳолисининггина эмас,

балки Юнусобод, Чилонзор, Ҳамза туманларида истиқо-мат қилувчи ҳамшаҳарларимизни ҳам ўз диққат-эътибори-ни торти.

— Деҳқонларнинг харидор-ларга ширин муомаласи ейниқ-са ажиб — дейди ички И. Ха-санов. — Улар ўзлари олиб кел-ган маҳсулотни илоҳи борича ширин сўз билан, харидор ҳа-қида ҳўнат қилмаган ҳолда со-тишга ҳаракат қилишади. На-



шундай кўргазмаларнинг тез-тез ўтказиб турилишидан умид-воримиз.

«Ўзбекистон ноз-неъматла-ри» савдо-сотик ярмаркаси-да далалардан ҳозиргина узилган мева ва сабзавот-лардан ташқари турли хил шарбатлар, мураббалар, туз-ламалар худда ҳам чиройли идишларда намойиш этилди.

— Ҳозирги пайтда ҳар қан-дай маҳсулот харидор диққати-ни ўзига тортадиган бўли-ши керак, — дейди Қирой туманидаги «Маданият» жа-моа ҳўжалиги дўкони сотув-чиси Баҳром Орипов. — Яр-маркага қўйилган маҳсулот-лар ана шу жиҳати билан ҳам диққатга сазоворид.

— Корхонамиз учун ис-теъомли манфаатларини кўзлаган ҳолда ишлашдан

ҳам кўра муҳим иш йўқ, — дейди «Янги Тошкент кон-серва» акциядорлик жамяия-ти директорининг ўринбоса-ри Ш. Мелиев. — Шу боис-дан биз маҳсулот турларини кенгайтиришга, уларни-ниг ташқи кўриниши жозиба-ли бўлишига алоҳида аҳа-мият бермоқдамиз. Корхо-намизда ҳаммаси бўлиб 70 хилга яқин турли-туман маҳ-сулотлар тайёрланмоқда. Биз истеъомчилар талаб-ларини чуқур ўрганишга, ян-ги улғуржи харидорлар со-нини кўпайтиришга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Бу нарса бизнинг молиявий муаммоларимиз ечимида муҳим аҳамият касб этади.

Савдо-сотик ярмарка Ўз-бекистон винолари ишлаб чиқаришининг имкониятлари ниҳоятда кенг эканлигини ҳам намойиш этди. Бугунги кунда нафақат йирек завод-лар, балки кичик, хусусий, кўшама корхоналар ҳам ма-на шундай шароитлар ишлаб чиқармоқда.

Бобур боғидан турли-туман Ўзбекистон ноз-неъмат-ларини харид қилган кўлаб тошкентликлар чиқшир экан уларнинг ҳар бири қалбидан ана шундай кўргазмани таш-кил этган кишиларга, бирин-чи навбатда республикамиз-нинг барча вилоятларидаги далаларда фидойиллик кўрса-ти меҳнат қилган инсон-ларга дилдан ташаққурлари зоҳир эди.

(Ўз муҳбириemiz),
СУРАТЛАРДА: «Ўзбеки-стон ноз-неъматлари» ярма-касида.

Рашид Галиев
олган суратлар.

Обуна — 99

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» — СИЗНИНГ ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

— Бугун ҳам «Тошкент оқшомини» газетасида жуда кўп қизиқарли мақолалар чиқибди. — дейди Ўзбеки-стон халқ артисти, халқимизнинг севили хонандаси Бўлоқжон Ёқубов саноатдаги ҳамкасби, Ўзбекистон халқ артисти, машҳур сазанда Абдухўшим Исмои-ловга.

— Ичимизни айтасиз, «Тошкент оқшомининг» ҳар бир сониди албатта меза қилиб ўқийдиган мақола-лар чиқсади. Айниқса бизга ўхшаш санъаткорлар би-лан «Диллашу» рукни остида бериладиган сўхбат-лар ҳаммада қизиқиш уяғоттиш турсан гап. — дейди Ўзбекистон халқ артисти Абдухўшим Исмоилов...

Ҳа, бу икки севики санъаткорнинг юқоридаги гаплари-да бир олам маъно бор. Дарҳақиқат, «Тошкент оқшомини» газетасида босиладиган мақолалар турли ёшдаги, турли касбдаги муштарийларга мўлжалланган. Ундан санъаткор ҳам, ички ҳам, уй бекаси ҳам, қарлик гаши-ни сураттаган пенсионер ҳам, ҳуллас, турли ёшдаги ва хўнардиги «Оқшом» муштарийи ўзига мос мақолаларни ўқиб ҳузур қилади. Бинобарин айни шу кунларда «Тошкент оқшомини»га келгуси йил учун обуна кетаётган экан унга ёзилганасиз асло адашмайсиз! Барча янгиликлар дейсиз-

ми, ҳаётимизнинг турли жаҳдаларида бўлаётган ўзга-ришлар дейсизми, ҳуллас, ҳамма-ҳамма гаплардан бо-хабар бўласиз. У сининг ҳаммаги ҳамроҳингиз бўлиб қолади.

«Оқшом» газетаси нақана савдога худда ҳам чегара-ланган микдорда чиқарилади. Шу боисдан унга обунани расмиёлаштиришга газетанинг ҳар бир сонига ҳондо-нингизга ўзи кириб бораверади.

Маълумки, «Тошкент оқшомини» газетасининг мамла-катимиз барча вилоятларида ҳам ўз муштарийлари бор. Уша ердаги муштарийларимиз обуна масаласида «Мат-буот тарқатиш марказининг» бўлимлари мурожаат қи-лишларини маслаҳат берамиз.

Шундай қилиб, азия муштарийлар, ўзингиз сева-ган ва қадрлаган «Тошкент оқшомини» газетасига 1999 йил учун обуна бўлишга шошиллинг! У келгуси йил-да ҳам сининг энг яқин ҳамроҳингиз, энг яқин ва содиқ сўхбатдошингиз бўлиб қолади.

Энди нашр индексларини диктатингизга ҳавола қиламиз:
● ЯҚКА ОБУНАЧИЛАР УЧУН — 209.
● ИДОРАВИЙ ОБУНАЧИЛАР УЧУН — 563.



Шахримизда ишсизлик, қайта ўқитиш, янги касб-хунар ўргатиш ишлари билан авваллари фақат меҳнат биржалари шугулланар эди. Бугунги кунга келиб, бу муаммо барча учун масъулиятли бўлиб қолди. Ҳамза туманида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида иштирок этганлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар ўз фикрларини куйидагича баён этишди.

● **Мирсултон ОБИДОВ, Акмал Икромов маҳалласи оқсоқоли:**
— Тўғри, меҳнат биржасининг иши кўп қирралидир. Шунинг учун

нинг замирида бекорчилик ётади. Жиноят содир этган фуқарога «Қаерда ишлайсан» деб сўрасангиз, албатта «Ҳеч қаерда» деган жавобни оласиз. Биз туманда жиноятчи-

ида гўё бутун тумандаги корхоналарга бориб келгандай бўлдим. Маоши яхши иш бўлса касбимни ўзгартириш умидида юрган эдим. Назаримда бошқа иш топа олмасам керак деб юрдим. Аксинча мана ойлик маоши 7-9 минг сўмлик ишлар бор экан. Бориб, танишиб қўраман. Маъқул келса, янги иш жойида ишни бошлайман...

Навбатдаги меҳнат ярмаркасида тақлиф этилган 100 дан ошқорхонадан 65 таси иштирок этди. Улар ичида «Тошқилшоқмаш», туман халқ таълими бўлими, 1-автокорхона, «Ўзбек қоғози», «Тошмаргё» ва бошқа корхоналарга турли соҳадаги ишчилар кераклиги қайд этилган эди.

Ҳамза тумани меҳнат биржасига иш билан банд бўлмаган аҳолидан йил бошидан бери 3140 киши мурожаат этган. Булардан 1641 киши масоҳат олди. 1499 киши эса иши қидирувчи сифатида рўйхатга олинди. 134 киши ўқишга

ликнинг олдини олиш мақсадида меҳнат биржаси, маҳалла оқсоқоллари билан бамаоҳат иш туги, хар бир маҳаллага биттадан инспектор ажратганмиз. Бу инспекторлар вояга етмаганлар, муқаддам судланиб келганлар билан алоҳида иш олиб боришади. Мана шу



маҳалла билан ишлайдиган инспекторлар одамлар орасида бўлиб, кўп тушунча беришга ҳаракат қилишмоқда. Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунда биз инспекторимиз Зулфия-хон Алимӯхамедова билан фуқаролар ўртасидаги ишсизлик муаммоси, қайта ўқитиш масалалари, касбини ўзгартириш ҳақида мулоқотлар олиб борамиз. Бундан жуда кўп инсонлар манфаатдор, яъни ишли бўлиб кетишга таянганда биз ҳам хурсандмиз. Навбатдаги меҳнат ярмаркасида маҳалламиздан иш ахтариб юрган 10 нафар киши келиб, туманимиздаги 1-автокорхонага, «Паркент бозори»га, 1-уйсозлик комбинатига ишга йўлланма олишди. Ярмаркада тумандаги барча бўш иш ўринлари яққол кўргазмалли курулларда, компьютер ёрдамида акс этиб турибди.

Демоқчиманки, кимнидир ишга юбориш, ишга жойлаштириш биржа ходимларининг эмас, барчамизнинг ишимиз деб қарашимиз керак.

● **Боки АЛИХОНОВ, туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги:**
— Оқсоқолимизнинг фикрига қўшилган ҳолда шунга айтимоқчиманки, аввало доноларимиз «Бекорчидан худо безор» деб бекорга айтишмаган. Майда ёки йирик жиноятчилик, ўғрилик ва бошқа хуноқ ҳодисалар-

туфайли меҳнат ярмаркасида 70 нафар муқаддам судланиб қайтган фуқаро ишга йўлланма олди. Уларнинг орасида 20 нафари ёшлардир. Шу рақамлардан ҳам кўрсак бўладики, бундай меҳнат ярмаркаларини ўтказиб туриш ижобий самара беради.

● **Карима ГАЛИВБЕВА, Кўйлик даҳасида яшовчи фуқаро:**
— Менинг биринчи марта бундай меҳнат ярмаркасида иштирок этишим. Жуда қизиқ бўлар экан. Бир неча дақиқа



Тошкент «Тўқимачилик комбинати» хиссадорлик жамияти қаҳрамонларининг сони яна биттага кўпайди. Буолма Жўраева, Дилбар Қулматовалар сафидан Дилбар Қосимова ҳам ўрин олди. У мустақиллигимизнинг етти йиллиги шодиёнаси муносабати ва кўп йиллик меҳнати эъазига «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Биз Дилбархон билан суҳбатлашар эканмиз, у дастлаб мана шу корхонага келган дамларини эслади...

— Мен бундан 21 йил олдин ишга келганимда ёш қиз эдим. Арқоқ-йигирув цехида ишлайсан деб, иш билан таништиришганда кўп чўчиганман. Аммо устозларим, айниқса Маргарита Тон ўз онамдай масоҳатларини аямай ёрдам берганлар. Ота-онамдан эрта етим қолганман. Шунинг учунми, кўпроқ вақтимни иш билан банд қилишга, бўш қолсам китоб ўқишга сарф қилардим. Мана шуларнинг ҳаммаси бугунги кунда ўз самарасини берди.

— Сиз ишга келгандаги комбинатнинг ҳолати билан ҳозирги аҳволида ўзгариш ва фарқлилик борми?

— Албатта, ўзгариш жуда катта бўлди. Корхонамизда акционерлик жамиятига айландандан кейин жаҳон андозалари даражасида иш юритиб, махсулотларимиз дунё бозорига йўл олди. Янги-янги шовқинсиз тўқув, йигирув дастгоҳлари ўрнатилди. Ишчиларнинг моддий ва маънавий таъминоти туб-

Ишондорларимиз
МЕҲНАТДАН КЕЛГАН ШУҲРАТ



дан ўзгарди. Шунга мувофиқ биз ишчилар ҳам янада яхши меҳнат қилишга, юртимиз довруғини шарафли меҳнатимиз билан кўларга кўтаришга ҳаракат қилаётимиз. Биздаги иш усули шундайки ким қанча кўп

урчқуқа хизмат кўрсатса шунга қараб ҳақ олади. Мен режада белгиланган 864 та урчуқ ўрнига 1296 та урчуққа хизмат кўрсатаман. Касбимни жуда яхши қўраман.

— Дилбархон, бу йил — Оила йили. Шу боис ўз оилангиз ҳақида ҳам тўхталингиз.

— Мен асли оилада кенжа фарзанд — еттинчи эдим. Аммо кенжа бўлсам ҳам эркактойлик қилмас эдим. Бирок, албатта ўқиб ишлаш ниятим бўлиб, мана шу ишчиликдан машҳур бўлишни орзу қилган эдим. Иншоолло, бунга эришдим. Ҳозирги кундаги ҳаётимдан бахтлиман. Икки ўғлим — Олимжон ва Уткирбек, турмуш ўртоғим Ислому Ғиёсов билан шоду хуррамлик билан яшайпмиз. Истардимки, бизга ўхшаган бахтли оилаларнинг сони кўпаяверсин. Чунки оила бахтли, тинч-тотув бўлса, юртимизнинг бойлиги ҳам шунда деб биламан.

— Бўш вақтингизда нима билан шугулланасиз?

— Бўш вақтимда асосан китоб ўқишни ва мумтоз кўшиқлар тинглашни кўтираман. Халқ орасида йўқлиб бораётган ёшларнинг, лиларлар ва яллаларни куйлашга ҳаракат қиламан, уларга монанд рақсга тушишга ҳам уриниб қўраман. Булар, албатта оила юмуши ва уч сменали ишдан ортган вақтда бажарилади...

Дарҳақиқат, Дилбархоннинг ғайрат-шижоати уни шон-шуҳратга бурқади. У туфайли корхона, жамоанинг номи тилларда дoston бўлмоқда.

Гулзода МАМБЕТОВА.

СУРАТДА: Дилбар Қосимова.

Назорат

ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таълим хизматлари бозорини шакллантириш ва маркетинг соҳасида кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш бўйича «Маркетинг хизматлари» ташкил қилиниб, низом асосида фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда Самарқанд шаҳридаги «Бонфанда» очик акциядорлик жамияти билан 2000 йилга қадар 58 нафар абитуриенти мутахассислик бўйича қабул қилиш шартномаси тўзилган. «Сирдарёпахтасаноати» акциядорлик жамияти билан эса ҳар йили 26 абитуриентни қабул қилиш шартномасига имзо чечилган.

Бу ерда «Устоз» жамғармаси билан яхши алоқалар ўрнатилган бўлиб, иқтидорли ёш педагоглар аниқланиб, уларнинг малакалари оширилиб келинмоқда.

Янги давлат таълими андозалари асосида барча мавжуд дарслик ва ўқув қўлланмалари экспертизадан ўтказилиб, улардан фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги хулоса тегишли вазирликларга топширилган. Бундан ташқари 2005 йилларгача ўқув қўлланмалари режаси ҳам тўзилган.

Ана шундай ишлар Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети ҳамда К. Ҳеҳзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтида ҳам амалга оширилган.

«Тоштўқимаш» акциядорлик жамиятига қарашли ишлаб чиқариш техникаси лицейи ҳамда 3,5-касбхунар мактабларида таълим-тарбия ва кадрлар тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни амалга ошириш ишлари назорат остига олинган. Ўқув жараёнига ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизими киритилган.

Яккасарой тумани халқ таълими бўлими томонидан ҳам салмоқли тадбирлар амалга оширилмоқда. 140 нафар ўқитувчилар йил давомида ўз малакаларини оширганлар. Республика таълим маркази томонидан 25-мактар директори Д. Ҳақимова эса Голландия мамлакатининг халқ тизими департаментида малақа ошириб қайтгани маълум бўлди.

Ўқорида амалга оширилган ижобий ишлар қатори, айрим камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Ўрганилган Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институтида профессор-педагог ўқитувчилар шу кунга қадар ўз малакаларини оширганликлари, хорижий давлатларга бориб тажриба алмашганликлари тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Тошкент Давлат миллий рақс ва хореография олий мактабининг моддий-техник базаси олий ўқув юртлари талабаларига жавоб берадими. Техник воситалар — компьютерлар, аудио-видео аппаратлар умуман йўқ.

Профессор-ўқитувчиларнинг мутахассисликлари бўйича малақа ошириш учун юборишга маблағ ажратилмаган. 1998—99-ўқув йили қабули олдидан Миллий дастур талабаларига биноан Республика вилоятлари бўйича иқтидорли ёшлар ва болалар танлаб олиш мақсадида рейд ўтказиш режаси ҳам молиявий етишмовчилик сабабли амалга олмаган. Аудиториялар ва ўқиш хоналари етишмадими. Шу вақтгача Ўзбекистон Республикаси Президентининг хореографияни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонида қайд қилинган ўқув театрининг биноси қурилиши бошланмаган.

Яккасарой тумани халқ таълими бўлими 1998—99 ўқув йили учун умумтаълим мактаблари ўқитувчилар билан тўлиқ таъминланмаган. Бу ерда кадрлар билан ишлаш штати йўқ. Умумтаълим мактабларида 2500 га яқин ўқитувчи ва бошқа ходимлар ҳамда 14 мингдан зиёд ўқувчилар бўлишига қарамай кадрлар масаласи болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш назоратчисига юклатилган.

Ўрганилган масала туман ҳокимлигида муҳокама қилиниб, мутаассадди раҳбарларга камчиликларни бартараф қилиш чораларини қўриш юклатилди. Бир йўла таълим, тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизими асосий йўлланма эканлиги уларга ўқитилди.

Эргаш ОТАЕВ,
Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари — назорат инспекцияси раҳбари.

Бугунги ҳаётимизни «зангори олов»сиз тасаввур этолмаймиз. Ҳар биримиз унинг беиннат хизматида кунига жуда кўп бор фойдаланамиз.

Албатта, бу борада халқимизнинг ўз вақтида газ билан таъминлаш йўлида ғайрат ва шижоат кўрсатаётган бу хизмат ходимларининг меҳнатларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Шу кунларда бу соҳа ходимларининг ҳам ишлари янада кизиган. Ўш, қиш мавсумида пойтахтимиз аҳолисини газ билан таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Мухбиримиз шу савол билан Тошкент шаҳар газлаштириш бошқармаси бош муҳандиси Собиржон Кучаровга муурожаат қилди.

— Юксак сифат ва самарадорлик билан ишлаш лозимлигини бозор иқтисодиёти шароитида барча қатори жамоамиз ишчи-хизматчилари ҳам чуқур англаб етмоқдалар. Бошқармамизнинг энг асосий вазифаси пойтахтимиз аҳолисини, маъиший хизмат корхоналари, йирик корхона ва ташкилотларни узлуксиз равишда газ билан таъминлашдан иборатдир. Шу боисдан ҳам жамоамиз газчилари пойтахтимиз аҳолисига 1 йилда 4 миллиард кубометрдан ортиқ газ етказиб беради.

Бошқармамизда ўтган йиллар тажрибасига асосланиб ҳамда аҳоли талабидан ке-

узуликдаги газ қувури битказилиб ишга тушишга тахт қилиб қўйилди.

Бошқармамизда қузғин-қишқи мавсумга тайёргарликни мунтазам олиб бориш штаби ишлаб турибди, ҳар ҳафтада қилинган ишлар ахбороти эшитилиб, бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилан олинали. Бу борада қатъий назорат ўрнатилганлиги ишларимизнинг вақтида адо этилишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

«Яна бир қилаётган» ишларимиздан энг муҳими, шахримиздаги хонадонларга газ хисоблагич асбобларини ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиздир. Айни пайтда пойтахтимизда қурилган янги уйлارга ва фойдаланишга топширилиши мўлжалланган турар-жой биноларидаги ҳар бир хонадонга газ хисоблагичлар ўрнатишмоқда. Бу, албатта, аҳолининг газга эътиборини ошириб, ундан тежаб-тергаб фойдаланишларида, исроф қилмасликларида катта роль ўйнайди. Чунки, хозирда газ ходимларининг ҳар қанча уринишлари қарамай айрим хонадон соҳиблари ва баъзи фуқаролар газ асбобларини ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, қўшимча газ асбобларини рухсатсиз улаб олиш, газ қувурларидаги кран ва бурағичларни ёпиб қўйиш ва очиш, резина шлангалар билан асбобларини улаш ҳоллари учраб турганлиги ачинарлидир. Буларнинг барчаси газдан фойдаланишда техника хавфсизлиги қондаларининг бузилишига ва бахтсиз ҳодисалар содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли ҳам ходимларимиз уйма-уй юриб бу ҳақда тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Яна шунга айтиб ўтиш жоизки, айрим газ истеъмолчилари газдан фойдаланганлик ҳақини ўз вақтида тўламаздан дебиторлик қарзларининг ошиб кетишига сабабчи бўлимоқдалар.

Барча соҳаларда бўлгани каби бозор иқтисодиёти бизнинг ичимизда ҳам баъзи бир муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бу газ таъминотида ишлатиладиган баъзи бир асбоб-ускуналар танқислиғидир.

Бундай муаммоларни ўз саъй-ҳаракатларимиз билан бартараф этиш йўллари излаб топмоқдамиз. Хориж фирмалари билан бу соҳада ҳамкорликни амалга ошириш ниятдамыз.

Яна шунга алоҳида таъкидлаш жоизки, шаҳар ҳокимлиги қарорига асосан ҳар йили 1 сентябрдан 1 ноябргача бошқармамиз томонидан «Газдан бехатар фойдаланиш икки ойлиги» ўтказилади. Бу йилги тадбирларимизнинг ўтган бир ойи нихоятда ушшоқлиқ билан ташкил этилди. Бунинг учун ўзбек ва рус тилларида икки ойлиқнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига етказувчи афишалар чиқардик ва аҳоли турар жойларига тарқатдик. Ҳозирда ушбу тадбир ҳар бир туманда ўзига хос рўшда ўтказилмоқда. Тумангаз ходимлари ёнгина қарши инспекция хизматчилари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар уюштириб, ҳар бир хонадон эгасига газдан тўғри фойдаланиш, ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш бўйича тушунтиришлар бериб берилмоқда. Бу борада бошқармамизда меҳнат қилаётган 1370 дан ортиқ ишчи-хизматчининг олиб бораётган ишлари давом этмоқда.

Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бошқармамиз ишчи-хизматчиларининг самарали хизматлари айрим қондабузарлар томонидан содир этилаётган камчиликларни тугатиш ҳам қўйилса бу аҳолининг бизга ва ўзларига фойда бўларди.

Бизнинг бугунги ҳаракатимизнинг энг асоси мавсум тайёргарлигини муваффақиятли яқунлаб, қишли-қировли кунларда пойтахтимиз аҳолиси, корхона ва ташкилотларини «зангори олов» билан тўла таъмин этишдир.

Суҳбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.

Қиш тайёргарлигини ёқтиради

МАҚСАД — АҲОЛИГА «ЗАНГОРИ ОЛОВ» ЕТКАЗИШ

либ чиққан ҳолда 1998-1999 йиллар кузги - қишки мавсумга тайёргарлик ишларини эрта баҳордан бошлаб юборилган. 156 банддан иборат бўлган ҳозирлик тадбиримизда пойтахтимиз аҳолиси корхона ва ташкилотларнинг талаб ва тақлифларидан келиб чиққан ҳолда белгиладик. Ва шу асосда барча ишларни ушшоқлик билан амалга ошириб тайёргарликни нихоясига етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бу тадбирларда шахримиз туманларидаги баъзи ҳудудларда қишки мавсумда газ танқислиги сезилган кўча ва маҳаллаларда газ таъминотини яхшилаш мақсадида қўшимча газ тақсимлаш мосламалари (ГРП) ўрнатиш, янги ва халқалаш газ қувурлари тортиш, ишлаб турган газ қувурларининг носоз бўлақларини жорий таъмирлаш ва бошқа кўпгина ишлар режалаштирилган эди.

Шу кунгача режадаги ишларнинг деярли барчаси амалга оширилиб, 4,5 километрга яқин қўшимча газ қувурлари ўтказилди, 18 та янги газ тақсимлаш мосламалари ўрнатилди, 19 километрик газ қувурлари қайтадан бўянди, 6 километрик қувурлар жорий таъмирдан чиқарилиб, 900 та газ тақсимлаш мосламалари техник кўриқдан ўтди, 155555 дан ортиқ газ асбобларининг мўри ва дудбуронлари тозаланиб, мавсумга шайланди, қолганлари ҳам тез кунларда тайёр ҳолга келтирилади.

Ер ости газ қувурлари хизмати ходимлари 6,4 километр газ қувурларини тозаладилар, 875 километр узунликдаги ер ости газ қувурларининг зичлиги, газ чиқармаслиги махсус асбоблар ёрдамида текширилди.

Тошкент суеутилган газ қуйиш станциясида қишки мавсумга тайёргарлик бўйича газ ҳайдовчи компрессор ва насослар, иситиш тизими қувурлари ва қозонлар таъмирланди. Бундан ташқари Акмал Икромов, Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманларининг баъзи бир мавзе ва маҳаллаларида газ таъминотини яхшилаш мақсадида ИБн Сино мавзесидан Изза мавзесига юқори босимли 530 миллиметр диаметрли, умумий узунлиги 7,5 километр бўлган газ қувури қурилиши нихоясига етай деб қолди. Тез кунларда ушбу газ қувури ишга туширилиб, иситиш мавсумигача юқоридоғи ҳудудларда газ таъминоти кўнгилдагидек бўлади.

Бундан ташқари Чилонзордаги 5-иссиқлик маркази қозонхонасигача газ таъминотини яхшилаш мақсадида Жанубий-ғарб саноат зонасидан янги, юқори босимли диаметри 530 миллиметр бўлган 3,5 километр

Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига

ФАРҒОНИЙ САОБАТИ

«Тошкент оқшоми» йўлланмаси билан

Шу тупроқда улғу бобокалонларимиз хоки ётибди. Шу заминда ўтганлар ва шу заминни қўмсаб, унга етолманлар руҳи покларига бош эгамиз.

Ислом КАРИМОВ.

- Юртингиздан ким доврғ таратган? — дедди донишманд ҳамсуҳбатидан.
— Ҳа, — дедди у, — фалон алломаи замон, фалон адаби калон менинг юртимдан бўлади.
— Шундоқ юрт фарзандимиз! — донишманд ўрнидан туриб кетибди ва у бор таъзим бажо эттибди, бири — сизга, бири — алломалар руҳига, бири шундоқ олий зотларни вратган тупроққа, халққа!
Ушбу ривоятдан келиб чиқиб сўз юртадиган бўлсак, серқуёш дийримизнинг ҳар бир гўшасига уч


- эмас, минг бора таъзим раводир. Қайси шаҳарга борманг, қайси қишлоқдан ўтманг бир азиз-авлиёнинг, бир алломанинг қутлуг изларига, муборак меросига дуч келасиз.
Бугунги сўзимиз буюк қомусий олим, жаҳонда «Альфраганус» номи ила машҳур бўлган, улғу Данте улуғлаган Аҳмад ал-Фарғоний хусусида, унинг ватани бўлмиш Фарғонада тикланаётган ажойиб ёдгорликлар, буюк бобомизнинг катта тўйи — 1200 йиллик юбилейи тадбирлари тўғрисида.

ШАҲРИСТОН ЖАМОЛИ

МАШИНА худди елдек учиб борарди. Ҳайдовчи уста Саидасорроҳи бизга бир шиша маъданли сув узатди.
— Қани, пиёлаларга куйиб ичинг.
— Сал секинроқ ҳайдайсиз-да, — огоҳлантирдик биз, — акс ҳолда ҳаммаси тўкилиб кетади.
— Йўқ, — деди у, — ичаверинглр.
Эҳтиёткорлик билан маъданли сувдан ичдик. Машина шундай текис борар эдики, ҳатто пиёладаги сув ҳам чайқалмасди.
— Фарғонага, Фарғоний ҳузурига олиб бораётган йўл мана шундай текис! — деди Саидасорроҳи. Энди гап бундай: дастлаб Қувага борамиз.
Қува...



Бир пайтлар ўзининг анорлари, шарқироқ сувлари билан машҳур бу қадимий шаҳар бугун Фарғоний номи билан яна машҳур жаҳон бўлди. Фарғонадан чиққаннингиздан кейин кафтдек текис йўлнинг икки четидаги анвойи гуллар сизга ҳамроҳ бўлади.
Энг ажойиб — бу Қуванинг қадим Шахристонни қавлаб очилгани бўлди. Айнан шу ерда улғувор ёдгорлик унга туташ жойда соланмоқда. Биз Қувага борганимизда қуёш тиккага келиб қолганди. Шахристоннинг юксак гиштин деворларига туташ мрамар зиналардан чиқа бошладик. Энг тўрда эса 8 устуни гўзал бир равоққа сўнгги ишлов берилмоқда эди.
— Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳайкали ўрнатилади бу ерга, — сўзлади бизни қутиб олган тошкентлик уста Носир Набиев. — Ҳамкасбим Осим Мўминов билан мана шу аркини тикладик.
Ганин гуллар кўзни олғудек жилваланди.
Она Ватанимиз ўзбекистоннинг ҳар қарич тупроғида олам-олам ҳикматлар яширин. Қадим шаҳарларимиз бўлмиш Бухоро, Самарқанд, Хива, Насаф, Нуротанинг осори атиқалари неча-неча асрларга буй бермай, ўз меъмори номини оламга муҳтор қилиб келаётган муҳташам бинолари ҳақли суратда жаҳон тараққиёти бешикларидан саналади.
Жаҳонга машҳур аллома, Бағдоддаги Маъмон академиясининг ташкилотчиларидан, сўнг раҳбарларидан бири бўлган Аҳмад ал-Фарғоний тўғрисида Қува бугун машҳурликнинг чўққисига қадам қўйди.
Фарғоний ва Қува. Бири фарзанд, бири она. Она ўзининг фарзандини қанчалар ардоқлаб ўстирса, Қувада ҳам энг ширин дамларнинг болалигини ўтказган бўлажак олим. Бу...




— Мен қўлимда ушлаб турган қадаш шунчаки буюм эмас, — деб ҳикоясини бошлади Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академик Яхё Ғуломов номи Археология институти етакчи илмий ходими Жалолитдин Мирзааҳмедов, — унга йиллар қаъри оша назар ташласак, тарихимизнинг бир зарраси сифатида аҳамият касб этади. Шунчалар нозик, дид билан ясалган идишни яратиш учун қанчалар билымдон бўлиш керак! Демак Қува азалдан ажойиб хунармандлар, ажойиб меъморлар, беназир олимлар юрти бўлиб келганига шубҳа йўқ. Биз Қуванинг битта ўғли Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигини нишонляпмиз. Қува Шахристоннинг ёши эса ким билсин қанча экан! Қанчадан қанча буюк алломаларнинг номларини яшириб ётган экан бу муқаддас тупроқ. Бизнинг вазиғамиз эса шундай Шахристонни асраш, авлодларга бешиксат етказишдир.
Айни пайтда бу ерда тикланаётган юбилей иншоотлари...

хам ўзининг улғуворлиги, пухталиги билан кишини қувонтиради.
— Аҳмад ал-Фарғонийнинг муборак тўйи борган сари яқинлашиб келмоқда. Бугун жамолини кўз-кўзлаётган, неча-неча минг йиллардан кейин юзини очган Қува Шахристони ҳам бу шодиданаларга гувоҳ бўлади, — суҳбатга қўшилди уста Осим Мўминов, — тарихимизга мос ёдгорлик яратиш, уни авлодларга қолдириш — бизнинг асосий мудидаоимиз бўлди. Қаранг, Шахристон девори қанчалар улғувор бўлиб қад кўтарган. Икки тарафдаги зиналар унга бир олам хусн бағишляпти. Пастга қаранг, пастга...
Пастга битта катта, тўртта кичик фавворалар кўзга ташланарди. Гулхоналарга экилган анвойи гулларни айтмайсизми?.. Биз пастга тушиб яна Шахристонга қарадик. Худди Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратлари зиналардан охира кўтарилиб бораётганга ўхшарди. Дилимиздан «Хуш келибсиз, устод, Қувага» деган уй кечди.

«ВОДИЙ МАЛИКАСИ» КАМОЛИ

— ЭНДИ — Фарғонага, — деди уста Саидасорроҳи, — йигитларим бажарган ишларни ҳам қўриб, ўзинлар баҳо беринглр.
Уста негадир бизни дастлаб Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фаргона вилоят муסיқали драма ва комедия театрининг таъмирлаш ишлари олиб борилаётган катта залига эмас, театр директори хонасига бошлади.
— Театр директори билан салом-алик қилиб олайлик, — қулди у.
Директор Юрсинали ака Нишонов жуда хушумомала, ширинсухан инсон экан. Дарров иззат-иқром билан қутиб олди.
— Аммо «Саидасоррасал» фирмаси аъзолари бўлган йигитларингизнинг жуда қўли гул экан, — деди у устага, — барака топурлар «У кам, бу кам, уни топинг» дейишмайди. Билиб-билиб ишларини қилишяпти.
— Ана энди йигитлар билан таништиранг, — деди уста Саидасорроҳи, — ўзим мақтаганимдан кўра, бошқалар алқаса яхши-да...
Залга ҳавозалар тортилган, пастга ҳам, тепада ҳам ишлаётганларнинг қўли қўлига тегмасди.
— Ҳаммасини шу азаматлар амалга оширяпти, — деди уста Саидасорроҳи Саидмуҳторхожиев, — устунлардан тортиб шифтдаги қандиллар чабарбағиғача, қаламлардан тортиб қолларгача ўзимиз ясаганимиз. Анови думалоқ наҳшларни кўрпясизларми, бизнинг тилда «Кулча» дейила...



ди. Шулардан 96 та қўйилди шифтга. Жуда ҳам сайраб юборайди бу зал хали.
— Театр ҳам юбилей иншооти ҳисобланадими?
— Албатта, — деди Юрсинали ака, — бу ерда юбилейга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтади. Театрнинг ташқариси ҳам, ичкарисиси ҳам батамом ўзгаради.
— Бригадангизда нечта ганчкор бор? — сўрадик устадан.
— 31 киши меҳнат қилияпти. Саидирком Мухторов, Равшан Қодиров, ҳамма-ҳаммаси қўли гул уларнинг. (Сурат...




ларга қаранг: Саидасорроҳи бошчилигида ишлаётган қўли гул йигитлар унда тасвирланган).
Бир четда оқ бўёқка ранг беришга ҳозирлик кўраётган йигитга эътибор бердик.
— Наққош Ҳикматулла Алиев, — ўзини таништирди у, — ранг тайёрляпман.
— Қандай рангга бўйлягани билсак бўладими? Сир эмасми?
— Марҳамат, оч новотрангга бўямоқчимиз. Қулчалар,

қандиллар алоҳида рангга бўйлади.
Бир зум зални тасаввур этдик. Дилимиз ҳам, чехрамит ҳам ёришиб кетди.
— Иш қачон яқунланади? — сўрадик ташқари чиққач.
— Бугун-эрта нукта кўямиз, — деди уста ишонч билан, — Аҳмад ал-Фарғоний ҳазратга қанча қиimmat кўрсатилса ҳам кам. Ниятимиз ишмимизни кўрган кишининг кўзи қувнаса, тошкентлик усталардан эсдалик бўлиб турса бас.

АЛПОМА НОМИДА БОҒ

— АВВАЛ Аҳмад ал-Фарғонийга ҳайкал қўйиладиган боғни кўздан кечирайлик, — деди вилоят бош меъмори Анвар Шокиров, — юринглр.
Театр билан уйғунлашиб кетган боғда катта қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда эди. Бир томонда йўлсозлар бежирим гишлардан йўлгага ётқизышарди. Бир гуруҳ усталар эса бокқа кирадиган асосий дарвозанинг 12 устуни арки пештоқига сўнгги пардозни беришарди.
— Кўз олдингизда ястаниб ётган худуд, — деди Анвар Шокиров, — Аҳмад ал-Фарғоний номидаги сайроғох бўлади. Унга кирадиган асосий дарвоза мана шу ерда. Кенглиги 42 метр, эни эса 10 метр.
Асосий дарвозадан тўғрига қараб шинам йўл қурилган бўлиб, у тўппа-тўғри 6 устуни муҳташам айвонга туташар эди. Йўлнинг икки чети чироқлар билан зийнатланганди.
— Яшил майсалар ажойибку! — дедик завқланиб.
— Голландиядан келтирилган майсалар, — изох берди бош меъмор. — Ажойиблиги шуки, кишин-ёзин сўлимайди, босилса дарҳол асл ҳолига қайтади.
— Анави улғувор арк-чи?
— У ерга Аҳмад ал-Фарғонийнинг ҳайкали ўрнатилади. Баланглиги 9,5 метр. Қувадаги ҳайкал эса 6,5 метр. Ҳайкалларни тошкентлик ажойиб ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратяпти.
Боғ дастлаб 7,5 гектар эди. Президентимиз Ислом Каримов Фарғонага таъриф буюрганларидан кейин кўрсатган йўл-йўриқлари, қимматли маслаҳатлари асосида ҳамма ишимизда ўзгаришлар ясадик. Ҳозир ён-атрофлардан қўшиб, 23 гектарга кенгайтирдик боғни. 10 та фаввора унга хусн ва тароват бағишлаб туради. Унга тўрт тарафдан дарвоза қурилган. Ҳайкал атрофида 3000 киши сиғадиган катта саҳн бунёд этилди. Бу ерда театрлаштирилган тантана бўлиб ўтади. Томоша сценарийсини ёзишда водийлик шоирларимиз ҳам қатнашди. Ўзбекистон халқ артисти Рустам Ҳамидов уни саҳналаштиряпти.
— Айнисқа тошкентлик усталарга раҳмат, — деди Анвар Шокиров, — театр залини кўрдингизми? Инсон қўли гул эканлигига яна бир қарра ишондим.



МУҲАББАТ ТАРАННУМИ

— ИШИМИЗ қизгин, — деди театр директори Юрсинали ака Нишонов, — эҳтиросли адиб Йўлдош Сулаймоннинг қаламига мансуб «Ал-Фарғоний муҳаббати» драмасини саҳналаштиряпмиз. Юбилей кўнлари намойиш этилади.
— Бош ролларни кимлар ижро этишмоқда?
— Аҳмад ал-Фарғоний роланда А. Мирзаева, И. Султонов, Робия роланда Д. Юсупова, Т. Қодировалар банд бўлишляпти. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Х. Икромов, Ўзбекистон халқ артисти Е. Ҳатамова ва бошқалар ҳам ўзларига топширилган ролларни меъёрига етказишмоқда. Энг муҳими — одамлар театрга қайтишляпти. Ҳатто «Фарғонийни қачон кўрамиз» деб сўраб ҳам туришбди.
Шу аснода яқиндагина давлатимизнинг «Эл-юрт хурма...

ФАРҒОНАНИНГ ЎҒЛИ

Олам аро алломалар сарбони,
Туркий эрур буюк зот бабони,
Қадим гўзал Фарғонадир оёғи,
Ҳайратларга солган борлиқ дунёни,
Фарғонийдир, бизнинг Аҳмад Фарғоний.
Илму урфон бўлди доим қанони,
Довруқ ёдди мунажжимлик савъати,
Тиллардан ортиқ қадру қиммати,
Ҳақиқатга айлаштирган руёни
Фарғонийдир, бизнинг Аҳмад Фарғоний.
Кўкка етди учқур тафаккурлари,
Очилдилар фахриёт сирлари,
Китобларга кўчди қалби дурлари,
Ҳар сўзидо илму нуҷум баёни,
Фарғонанинг ўғли Аҳмад Фарғоний.
Буюклардан юз бор буюк зотдир у,
Алломалар ичра суюк зотдир у,
Токи дунё бордир барҳайтидир у,
Эл равақи эди доим армони,
Фарғонанинг ўғли Аҳмад Фарғоний.

Б О Б О М

Балқиб чикдинг шарқдан қуёш мисоли бўлиб,
Донишлуғ доноликнинг тилсоли бўлиб,
Она юртинг Фарғонанинг камоли бўлиб,
То ҳаёт бор — умринг сени этоди давом,
Фарғонадан чиққан буюк Фарғоний бобом.
Фикратингдан очилдилар самовий сирлар,
Тахсин айтди сенга Руно, Ироқ, Мисраар,
Гарчид сени хорасвобо қўнжу қасрлар,
Вале захмат чекмадинг сен таратмоқчу нол,
Фарғонадан чиққан менинг Фарғоний бобом!
Ҳаловатдан кечиб илму урфонинг дединг,
Юлдуз ила ойни дединг, осмонни дединг,
Турунда эди ўю фикринг рўзу шол,
Фарғонада камол топган Фарғоний бобом!
Сен дарёсан! Мангуликка оқарсан ману,
Илму урфон осмонида балқарсан ману,
Фарғонадан кенг жаҳонга боқарсан ману,
Турундан чиққан буюк Фарғоний бобом,
Олам аро доим суюк Фарғоний бобом!

...ФАРҒОНАДАН қайтапмиз кўз ўнгимизда машҳур меъмор Саидасорроҳи Саидмуҳторхожиев бошчилигидаги тошкентлик усталарнинг фасоҳат билан бажарган ишлари намойиш бўляведди.
— Битгамма юбилей кўнларида албатта қолинглар, — деди уста Саидасорроҳи қулиб, — кўзларингизга нишонмайсизлар. Шундай ажойиб алломанинг тўйига муносиб тухфа қилаётганимиздан хурсандимиз!..
Яна бир неча кундан кейин эса буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғонийнинг тўйи бошланади. Ҳар бир фарғоналикнинг қўли кўксига бўлади:
— Фарғонага, тўйга марҳабо!
Солих ЕКУБОВ,
Темур УБАЙДУЛЛО.
• Газета саҳифаланаётган пайтда Фарғонадан Саидасорроҳи Саидмуҳторхожиев телефон қилиб у бошчилигидаги меъмор йигитлар ўз вазифаларини альо даражада ниҳосига етказганликларини айтди.
Тошкент — Фарғона — Тошкент.
• Суратларни муаллифлар ва Рустам Шарипов тасвирга туширглар.



Президентимиз томонидан 1998 йилнинг Ойла йили деб эълон қилиниши оилалари мизни ҳар томонлама ҳуқуқий, ҳам ижтимоий муҳофаза қилишда қатта ўрин тутмоқда. Табиийки, бу борада республикамиз пойтахтида ҳам бир талай мақсадга мувофиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳар ҳоқимлиги ва Адлия бошқармаси раҳбарлигида Никоҳ, оила маросимлар

мад Ҳасанов ва Камола Авазовалар республикамизнинг янги оилалари сафига қўшилди. Шу куни «Наврўз» Бахт уйи байрамона тус олиб, карнай-сурнай садолари остида етти жуфт келин-куёвлар бир олам орзулар билан бахт оstonасига қаддам қўйишди. «Наврўз» Бахт уйи «Никоҳ тўйингиз муборак бўлсин», «Ойла — муқаддасдир», «Бахтли ои-

ла—давлат бойлиги» сингари шиорлар билан, сўзана, гулкўрпа, чойшабар билан безатилди. Келин-куёвлар шўх мусиқа, карнай-сурнай садолари остида Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Шундан сўнг «Наврўз» Бахт уйида келин-куёвларнинг никоҳи қайд этилиб, тўй шодиёналарига уланиб кетди.

Маросимда республика Адлия вазирлиги бўлим бошлиғи Сайфиддин Раҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Жўрабой Файбуллаевлар қатнашиб, келин-куёвларга ўзларининг энг эзгу тилакларини билдиришди.

— Бугунги кунда республикамизда оилалар манфаатини таъминлаш юзасидан кўпгина дастурлар ишлаб чиқилди ва белгиланган тадбирлар муваффақият билан амалга оширилмоқда, — дейди шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Жўрабой Файбуллаев. — Шу муносабат билан оилаларни ижтимоий муҳофазалашга ҳам эътибор кучайтирилди. Бу борада жуда кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, унинг жойлардаги ФХДБ бўлимлари ва никоҳ уйлари оилаларнинг ҳуқуқий манфаатини ҳимоялашга оид анжуманлар билан бир қаторда, мана шундай аниқ, қизиқарли тадбирлар ўтказиб келмоқда. Бугунги шодиёнамиз ҳам ана шундай ишларимиздан биридир. Фурсатдан фойдаланиб тўй-томшаларни ташкил этган ташкилотчиларга, совға-саломлар ҳада қилган ҳомийларга, камарбаста инсонларга, жозибали куй-қўшқилари билан даврамизга файз бағишлаган санъаткорларга чуқур ташаккур изҳор этамиз. Еш оилаларимиз эса мамлакатимизнинг порлоқ келажаги йўлида фидойи ва ибратли оилалардан бўлиб қолади деб умид қиламиз.

Очил ҲАЗРАТОВ. СУРАТЛАРДА: «Наврўз» Бахт уйида етти келин-куёвнинг висол оқшомидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Шахмат

ЯГОНА МАСАЛ

Шахмат мавзусидаги ягона масал XVIII асрда яшаб ижод этган немис шоири С. Ф. Геллерте қаламига мансуб. «Маймун» деб номланган бу масалда у 64 катакли тахтада баҳс юритаётган рақибларга қандай юриш қилишни айтиб турган нодон томошабинлар устидан кулади.

ИНСОН БОРКИ...

Лондоннинг кимошди савдосига ихтисослашган «Стоби» фирмаси яқинда стол ўйинлари тўғрисидаги китобларни сотиш бўйича кўрғазма ташкил этди. Экспонатлар орасида Людвиг фон Альвенс-

лебенинг 1855 йили Лейпцигга босилган «Ўйинлар тўплами» ҳам бор эди. Унда шахмат тўғрисида қуйидаги сўзлар ёзилган: «Ажойиб шахмат ўйинининг ижодкори олдида тиз чўкиб бош эгамиз. Бу ўйин абадийдир, инсон борки яшайверади».

ИМКОНЯТИ ЧЕКСИЗ

Аргентинанинг машҳур ёзувчиси Хорхе Луис Борхес шахматни бир-бирга ўхшамаган миллионлаб китоб яшириниб ётган имконияти чексиз, битмас-туганмас жумбоқли кутубхонага ўхшатади.

Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталлигига номзод.

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32



Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горькая ва ҳуна кунлари таққади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бундларига ёки «Тошкент» почтасига 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигизга мумкин.

Тарихдан маълумки, Ҳазрат Али тўртинчи халифа ҳамда пайғамбаримизнинг қуввлари эдилар. Улар ҳақида кўп ривоятлар ва ҳикоятлар яратилган. Халқ орасида тарқалган ривоятларга қараганда у донолиги билан ажралиб туради. Бир куни Ҳазрат Алидан бир гуломи «Илм яхшироқми ёки бойликми?» деб сўрабди. Шунда Ҳазрат Али илмнинг устунлигини шундай исботлаб берган эканлар.

Тўртинчидан, илми излаган сари ва ишлатган сари кўпаяди. Бойликни эса ишлатган сари камаяди ва ўрнини тўлдирish учун ўзингни ўтга ҳам, чўққа ҳам урасан.

тоб қилмайсан. Бойлигининг ҳисоб-китобини қилиб борасан. Саккизинчидан, илм қанча кўп бўлса ҳам чиримайди, ўтда ёнмайди, сувга чўкмайди. Бойлик вафо қилмаслиги мумкин.

Ибратнома

ИПМ БОЙЛИКДАН УСТУН

Биринчидан, илм пайғамбарлардан қолган мерос. Бойлик эса бахиллардан — Корун ва Фиравнлардан қолган меросдир. Иккинчидан, илм сени боқадди, бойликни эса сен боқасан. Учинчидан, илм дўстларингни кўпайтиради, бойлик душманларингни ортттиради.

Бешинчидан, илми ўғридан, золимдан асрашнинг ҳожати йўқ. Бойликни ўғри урмасмикан деб хавотирланасан. Олтинчидан, илминг кўп бўлса, халқ сени қадрлайди. Бойлигинг кўп бўлса, халқ сенга ҳасад кўзи билан боқадди. Еттинчидан, илми ҳисоб-ки-

тоб қилмайсан. Бойлигининг ҳисоб-китобини қилиб борасан. Манманликка, ёмон йўлларга кирита олади.

Ўнинчидан, илми одам ўйлаб сўзлайди, шошмайди. Маданияти, одамгарчилиги билан ажралиб туради. Бой одам эса шошиши, мақтаниши, ўйламасдан гапириши мумкин. Бошқалардан ўзини ортиқроқ деб билади. Шунинг учун илми кишини ой бўлмаса ҳам, олтин кумушга тенглаштирсан бўлади.

Бахриддин ТУРҒУНОВ тайёрлади.

1998 — Ойла йили

ҲАР КИМГАКИ ТИПАНАДИ БАХТ



Маркази, «Наврўз» Бахт уйи, 1 ва 2-никоҳ уйлари, туман ФХДБ бўлимлари ҳамкорликда Ойла йилига бағишлаб кам таъминланган оилалардаги йигит-қизларнинг никоҳларини тантанали қайд этиш ва висол оқшоми шодиёналарини нишонлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, кечада Фулом ота ва Карима аяларнинг олтин тўйлари ҳам нишонланди. Мазкур тадбирга «Наврўз» савдо ишлаб чиқариш мажмуаси жамоаси ҳомийлик қилди. Шаҳримиздаги Бектемир туманидан Улуғбек Аҳадов ва Ноила Абушаева, Акмал Икромов туманидаги Рустам Акбаров ва Гулчехра Азимова, Сергели туманидан Нурулло Мама-рахимов ва Мавлуда Фоилова, Ҳамза туманидан Давронбек Бобононов ва Шахло Тожибоева, Юнусобод туманидан Баҳодир Ҳидоятлов ва Дилдора Ра-



ҳимов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Жўрабой Файбуллаевлар қатнашиб, келин-куёвларга ўзларининг энг эзгу тилакларини билдиришди.

Очил ҲАЗРАТОВ. СУРАТЛАРДА: «Наврўз» Бахт уйида етти келин-куёвнинг висол оқшомидан лавҳалар.

Рустам Шарипов олган суратлар.

Шу йилнинг 8 ойи мобайнида шаҳримизда 1554 та ёнғин содир бўлди. Давлатга 13 миллион сўмдан ортиқ зарар келтирилди. Ёнғинлар оқибатида 19 киши ҳалок бўлиб, 65 киши ҳар хил турдаги куйиш тан жароҳати олдилар. Энди дастлабки ойга қайтсак, сентябрь ойининг ўзида шаҳримизда 82 та ёнғин содир бўлди. Ёнғинларнинг кўпчилиги сигарета чекишда, электр анжомларидан фойдаланишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, электр симларининг қисқа туташувлари, ёш болаларнинг олов ўйнашлари оқибатида содир бўлмоқда. Қуйидаги мисоллар фикримизга далил бўлади.

122-уйда электр симларининг қисқа туташувлари оқибатида ёнғин содир бўлиб натижада 40 квадрат метр юзада уйнинг томи ёнган.

4 сентябрь куни Миробод тумани, Ефимов кўчаси, 39-уйда газ плита устида ёғни назоратсиз қолдириш оқибатида ёнғин чиқиб, кўшни 37-уйга ўтиб, 130 квадрат метр юзада уйнинг томи,

бир Раҳимов тумани, Олча кўчаси, 40-уйда болаларнинг гуғуғ бўлиб ўйнашлари оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада 80 квадрат метр юзада томи, уй жиҳозлари ёнган.

Ҳозир ўлкамизда куз фасли ҳукм сурмоқда, ҳадемай дарахт барглари саргайиб тўкяла бошлайди. Биз сизлардан ҳазонларни ёқмасликни илтимос қилардик, чунки ёнаётган ҳазонлар нафақат ёнғин чиқиш хавфини тугдиради, балки ундан чиқётган захарли моддалар шаҳримиз экологиясига салбий таъсир кўрсатади. Мана ҳозир салкин тушиб қолди. Ҳадемай иситиш анжомларини ишлатадиган кунлар ҳам келиб қолади. Шунинг учун вақтни бой бермай, газ печларини, иситиш қозонларни мўриларини техник кўриқдан ўтказиб қўйинг. Эслашиб ўтамиз, агарда ёнғин чиққудек бўлса, «01» рақами орқали ўт ўчириш хизматини ёрдамга чақиринг.

Тўлаган АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходими.

31 август куни Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ-1» даҳасида жойлашган 61/64-автоматлаштирилган телефон тармоғида электр симларининг қисқа туташуви оқибатида 120 квадрат метр юзада автозалнинг электрон регистрлари ёнган.

1 сентябрь куни Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчасидаги 49-қурилиш бошқармасига қарашли қурилиш участкасида ўчирилмаган сигарета, қолдиқини ташлаш оқибатида ёнғин содир бўлди. Натижада қурилиш уйчасининг ички қопламаси ёнди.

2 сентябрь куни Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 64-уй, 6-хонадон эгасининг газ плитада овқатни назоратсиз қолдириши оқибатида ёнғин содир бўлиб, натижада

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТЛАРИ

25 квадрат метр юзада уй жиҳозлари ёнган.

3 сентябрь куни Мирзо Улуғбек тумани, 1-Ирригация кўчаси, 13-уйда дазмолнинг ёқик қолдирилиши оқибатида ёнғин чиқиб, натижада шу уйнинг 100 квадрат метр юзада томи ва уй жиҳозлари ёнган. Ёнғиндан шу уйнинг бекаси ва уч фарзанди ҳаётдан кўз юмган. Уй эгаси 3-даражали куйиш тан жароҳати олиб касалхонага ётқизилди, унинг акиси ва хотини, икки қизи кутқариб қолинди.

Яна шу куни Сергели тумани, Отчопар кўчаси,

уй жиҳозлари ёнган, яна кўшни 41-уйга ўтиб 30 квадрат метр юзада уйнинг томи ёнган. Ёнғин чиққан уйнинг 220 квадрат метр юзада томи, уй жиҳозлари ёнган.

6 сентябрь куни Сергели тумани, Қўйлик-7 даҳаси, Нозанин кўчаси, 270-уй эгасининг ўчирилмаган сигарета қолдиқини ташлагани оқибатида ёнғин содир бўлиб, 50 квадрат метр юзада айвон ёнган.

7 сентябрь куни Со-

Бош муҳаррир ўринбосари Солиҳ ЁҚУБОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳридаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар бир ой муддат ичида Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва хусусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзияларни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёритади. Эълонлар шанба ва яқшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-29-09. МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КҮЧАСИ, 32-ҲИ, 2-ҚАВАТ, 204-ХОНА.

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39, факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, горькая ва ҳуна кунлари таққади. Нашр кўрсаткичи 209

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бундларига ёки «Тошкент» почтасига 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнигизга мумкин.